



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (13.909)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида нодавлат тиббиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли соғлигини муҳофаза қилишдаги хиссасини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини яратиш масаласи ҳали-ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусий соғлиқни сақлаш янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида куйидаги бир ёки бир неча шаклларни билрлаштириш орқали амалга оширилади:

соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади;

в) битимнинг амал қилиш мuddати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак;

г) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикка ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа ускуналар, шунингдек, улар томонидан қурилган объектлар битимнинг амал қилиш мuddати тугагандан сўнг давлат шеригига топширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция кiritиладиган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш (кейинги ўринларда – имтиёзли кредитлаш) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2019–2028 йиллар даврида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017–2018 йилларда қаттиқ маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шунингдек, 9 та маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ маиший чикинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги маъзур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)



### “СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ – ТИНЕ 2019” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда илк бор уюштирилган Соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро инвестициявий форум доирасида ўтказилган кўргазмада дунёнинг 22 мамлакатидан келган тиббий ускуна ва анжомлар, дори воситалари ишлаб чиқарувчи 250 га яқин компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Кўргазма экспозицияларидан замонавий тиббий технологиялар, ультратовуш, рентген аппаратлари, физиотерапия, кардиология, диагностика ва лаборатория жиҳозлари, стоматология, имплантология, жарроҳлик анжомлари, дезинфекция, санитария-гигиена, реабилитация ва косметик воситалар, тиббий меъбеллар, дори-дармон, дориноналар учун ускуналар, ортопедик ва бошқа турдаги маҳсулотлар ўрин олди.

Тадбирда қўллаб-қўриқувчи компаниялар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар ҳам намойиш этилди. Хусусан, Тошкент шаҳридаги “HimLabPribor” корхонасининг лаборатория жиҳозлари хорижий ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

– Бугунги кунда корхонамизда бугли стерилизатор, лаборатория, электрохимийвий, диагностика ускуналар, центрифугалар, муфель печлари, аквацик тилляторлар, микроскоплар, тарозилар ишлаб чиқаришмоқда, – дейди корхона бошқарувчиси Комил Саидов. – Кўргазма доирасида янги ҳамкорлар билан маҳсулот экспорти бўйича музокаралар олиб бордик.

Кўргазмада москвалик ишлаб чиқарувчиларнинг

маҳсулотлари алоҳида стенда тақдим этилгани эътиборга молик. Унда “Made in Moscow” бренди остида 20 га яқин компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Тадбир қатнашчилари ушбу компанияларнинг реабилитология, протезлаш, стоматология соҳаларидаги илғор технологиялари, ютуқ ва тажрибалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Россиянинг “Моторика” компанияси намойиш этган биоэлектрли протезларни ишлаб чиқаришда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланилган бўлиб, у ҳар бир бемор учун индивидуал тайёрланади. Улар шу турдаги хорижий маҳсулотлардан арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. – Кўргазма доирасида мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан учрашиб, ўзаро тажриба алмашдик, маҳсулот етказиб бериш бўйича дастлабки келишувларга эришдик, – дейди “Моторика” компанияси бошқарувчиси Антон Ларсен.

“Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2019” Тошкент 24-халқаро кўргазмаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганини намойиш этди. Жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим воқеаларидан бири бўлган мазкур кўргазма соҳада замонавий технологияларни қўллаш борасидаги ишончли, узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА муҳбири

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ РОЛИ

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Замонавий халқаро муносабатларда парламент дипломатияси омили: тенденциялар ва истиқбол” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, замонавий халқаро муносабатларнинг ривожланиш динамикаси, даражаси, мазмун-моҳияти ва истиқболларига катта таъсир кўрсатади. Бундай алоқалар парламент дипломатиясининг мавқеини юксалтириш, томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштириш, давлатлараро муносабатларни

тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига замин яратади. 2018 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қонунчилик палатасида АҚШ, Япония, Германия, Чехия, Россия, Беларусь, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон, Жанубий Корея, Фаластин, Хитой, Саудия Арабистони ва Қирғизистон парламентлари делегациялари билан ўзаро ҳамкорликни яна-

да ривожлантиришга қаратилган учрашувлар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган хорижий делегациялар сони 68 тани ташкил этди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари ва девони ходимларининг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари сони 70 дан ошди.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗБЕКИСТОН “БИЗНЕС ЮРИТИШ” РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАМОҚДА

“Doing business” рейтингига Ўзбекистон ўрнини юксалтириш: эришилган натижалар ва устувор йўналишлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда Димовска ва бошқалар “Doing business” рейтингига Ўзбекистон ўрнини юксалтириш мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ҳамда халқаро савдода мустақкам ўрин эгаллашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” рейтингига Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилди.

Ушбу кўрсаткични янада яхшилаш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 5 февралда “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ 2022 йилда “Бизнес юритиш” рейтингига Ўзбекистонни 20-ўринга кўтариш кўзда тутилган. Бу борада қатор вазирлик ва идоралар зиммасига аниқ вазифалар юклатилиб, тегишли “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Бундан ташқари, жорий йил март ойида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган “Бизнес юритиш” ҳисоботи методологияси талабларини жорий қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Қонун билан кўчмас мулк олди-сотдиси тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар устав жамғармасининг энг кам миқдорига қўйилган талаб бекор қилиниб, лицензия талаблариди устув капиталининг энг кам миқдорига тааллуқли нормалар белгиланди. Акциядорлик жамияти устув капиталда камида 15 фоизлик улушга эга инвесторнинг бўлиши ҳақидаги талаб ҳам бекор қилинди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни шакллантиришга тўққинлик қилаётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Анжуманда бизнес хизматлари сифатини ошириш, инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш, давлат идоралари ва ишбилармонлар ўртасида мунтазам мулоқотлар олиб боришга доир долзарб масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

(ЎЗА)

### ҚИСКА САТРАПДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигининг навбатдаги сайёр қабул Бектемир туманида бўлиб ўтди.
- Давлат хизматлари агентлиги томонидан келтирилган Германиянинг “MICROBOX” GmbH компанияси томонидан ишлаб чиқилган махсус қурилма ёрдамида Тошкент шаҳар ФХДЭ органларида қоғоз кўришидаги архив ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш (рақамлаштириш) бошланди.
- “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси жорий йилдан бошлаб Тошкент – Тбилиси – Тошкент йўналишида мунтазам қатновларини тақдим этади.
- Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида 369-сонли МТМ биринчи инклюзив мактабгача таълим муассасаси бўлди. Бирлаштирилган турдаги МТМ руҳий ривожланиши сусти бўлган болалар учун ташкил этилган гуруҳлари ва умумий таълим гуруҳларидан иборат бўлади.
- Тошкентда Вестминстер халқаро мактаби очилади. Ушбу халқаро мактабдаги таълим, лойиҳага мувофиқ, инглиз тилида ва пуллик шартнома асосида ташкил этилади.

**XXI** **аср** **саҳоси**  
Барча жанрлардан олинган суғани хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, академик Акмал Саидов ва Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали ректори, академик Қаландар Абдурахмонов Наманган юридик коллежида ўқувчилар билан учрашув ўтказди.

**ЖАҲОНДА**

• Халқаро валюта жамғармаси иқтисодий жиҳатдан мураккаб даврни бошидан кечираётган Венесуэлага молиявий ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқишни маълум қилди.

• Франция пойтахти Париждаги машур Нотр Дам де Пари ибодатхонасида чиққан кучли ёнғин 12 соатдан ортқ давом этиб, унга катта зарар етди, икки нафар полициячи ва битта ўт ўчирувчи жароҳат олди. Ушбу ноёб тарихий дурдонани тиклаш учун қиска мuddат ичида маданият вазирлиги томонидан белгиланган тўртта жамоат фонди, бизнесменлар ва бошқа савобталаб инсонлар томонидан катта маблағ тўланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамғарма давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинадиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги "Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2718-сонли қарорига асосан очилган кредит линияларининг таъминланган маблағлари ҳисобидан ваколатли тижорат банкларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, йиллик фойз ставкаси 6 ойлик ЛИБОР плюс 2 фойзга тенг, умумий миқдори 200 миллион АҚШ долларигача бўлган кредит линияларини очсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида имтиёзли кредитлаш тижорат банкларини томонидан:

фақатгина импорт қилинадиган замонавий тиббий усуллар ва инвентарларни сотиб олиш учун – чет эл валютасида киритиладиган инвестиция умумий ҳажмининг 20 фойзидан кўп бўлмаган миқдорда;

3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, 8 йилгача бўлган муддатга қайта молиялаштирувчи банкнинг маржаси билан бирга йиллик 1 фойз миқдорда;

инвестор томонидан киритиладиган инвестициялар умумий ҳажмининг 80 фойзидан кам бўлмаган миқдорда хусусий, шу жумладан, хорижий инвестиция киритиш шартли билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Адлия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик ҳар йили давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларининг ер участкалари, бинолари ёки уларнинг қисмлари ва хоналари, шунингдек, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида устувор

йўналишга эга бўлган тиббий ва қўшимча хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва улар тўғрисидаги маълумотларни тегишли иختисослашган веб-сайтларга жойлаштирсин;

икки ой муддатда илгор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик битимларининг намунавий шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан, республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2019 йил 15 августга қадар давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш ҳуқуқини берувчи тендер эълон қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан экспертлар ва консултантларни жалб этган ҳолда давлат-хусусий шериклик аниқ лойиҳаларининг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқиши таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тўғрисида маълумот етказиши, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва "Инвестиция портали"да эълон бериш орқали таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан

шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимовга – соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур қарорнинг амалга оширилишини мунтазам муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоровга – соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган бюджет маблағларининг ҳажмини ўз вақтида аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шодмоновга – соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда уларни амалга ошириш, лойиҳалар ташаббускорларига зарур бўладиган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистик ва бошқа маълумотларни олишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Г.А.Холжигитовга – Соғлиқни сақлаш вазирлигида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш юзасидан шахсий жавобгарлик белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А.Абдухакимов, Э.М.Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ2019–2028 йиллар даврида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўйиб бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсири бартараф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-5635-сонли "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда tutуви, **2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тазолаш инфратузилмасини ривожлантириш; қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;

полигонларга қўйиш учун йўналтирилмаган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекултивация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш; санитария жиҳатидан тазолаш соҳасида нархлар шаклланишини таъминлашнинг тартибдорлигини таъминлаш; қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий принциплари этиб белгилансин:

Стратегияни амалга оширишнинг барча bosқичларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш мақсадида улар билан амалга ошириладиган барча жараёнлар устидан назоратни таъминловчи қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланишини кўзда tutуви, тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни яратиш зарурлигини белгилловчи "ифлослантирувчи тўлайди" принципини жорий этиш;

танлов асосида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги.

3. Стратегия қуйидаги bosқичларда амалга оширилиши белгилансин:

**биринчи bosқич (2019–2021 йиллар)** – қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тазолашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов интенизини мустаҳкамлаш, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш;

**иккинчи bosқич (2022–2028 йиллар)** – қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини таъминлаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш:

аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни **100 фойзга** етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг **камида 60 фойзини** қайта ишлаш таъминлаш;

ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибидан символ бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, кадоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.) қайта ишлаш ҳажмини **25 фойзгача** ошириш;

полигонларга қўйиш учун йўналтирилмаган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини **60 фойзгача** камайтириш;

**барча полигонлар** ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини **тўлиқ рекултивация қилиш**;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан **35 фойзгача** фойдаланиш; полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) **100 фойзгача** таъминлаш.

4. **2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантириш чоғида Ўзбекистон

Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини назарда tutсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини, шунингдек, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли молиялаштириш маблағларининг хусусий секторга жалб қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича ишларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, кенг қўлмали тарғибот фаолиятини ташкиллаштиришни кучайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж.Раматовга – Стратегия ва Ҳаракатлар дастурининг амалга оширилишида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Стратегия ва Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича, шунингдек, Стратегия ва Ҳаракатлар дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 17 апрель

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА  
ПАРЛАМЕНТ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ РОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтказилган мулоқотлар доирасида парламентимиз вакиллари томонидан Ўзбекистонда тарихан қисқа даврда эришилган ижобий натижалар ҳамда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш борасида ҳам самарали ишлар қилингани қайд этилди. Миллий парламентимизда ташкил этилган парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилаётгани, бугунги кунда Олий Мажлис қошида тузилган парламентларо ҳамкорлик ва дўстлик гуруҳлари сони 28 тага етгани таъкидланди.

Кейинги икки йил ичида Олий Мажлиснинг халқаро парламентларо ташкилотлар билан алоқалари бир неча йиллик танаффусдан сўнг яна қайта тиклангани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини, миллий парламентимизнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Турли халқаро ташкилотлар сессияларида парламентимиз аъзолари мунтазам равишда қатнашиб, халқаро ҳамжамиятни юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан таништириш имконига эга бўлмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда парламент дипломатиясининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Айни кунларда эса парламент куйи палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитасида тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга "Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича иш олиб бориляпти.

Давра суҳбатида парламент дипломатиясини янада кенгайтириш, мамлакатимиз парламентининг жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда етакчи хорижий давлатлар парламентлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини фаол ривожлантириш Ўзбекистоннинг "халқаро майдондаги" обрў-эътиборини янада оширишга ҳамда миллий манфаатларимизни изчил илгари суришга хизмат қилиши таъкидланди.

Нурилло НАСРИЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИ 2030  
ЙИЛДА ҚАНДАЙ  
ТАСАВВУР ҚИЛАСИЗ?

**2030 йилгача кам таъминланганлик даражасини қисқартириш, гендер тенглик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тоза сув ва санитария ҳолати, таълим сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар ижобий ҳал этилади.**

Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ўз ифодасини топган. Иқтисодиёт ва саноат вазирлигини ташкил этилган ушбу мавзудаги давра суҳбатида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги "Урбанизация жараёнини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги ташкил қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Соҳада халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва урбанизация сиёсатини барқарор тараққиётнинг миллий мақсадлари билан уйғунлаштириш бугунги кунда ўта муҳимлиги ҳисобга олиниб, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда БМТнинг Ўзбекистондаги экспертлари миссияси ташкил этилди.

Давра суҳбатида миссия иштирокчилари шарҳозиликни ривожлантиришнинг турли соҳалари, яъни уй-жой, коммунал хўжалик, транспорт ва йўллар, экология ва бошқа йўналишлардаги жаҳон тажрибаси ҳақида маълумот берди. Урбанизация жараёнини фаоллаштиришдан кутилаётган натижалар ҳақида фикр билдирилди.

Тадбирда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. У кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Хуршид ҚОДИРОВ,  
ЎЗА мухбири

**Юртимизда барча соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида буғун давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган масала ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, бу орқали уларнинг буғунги ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўналишида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бунда жамоатчилик ролини янада кучайтириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси раҳбарлигида ташкил этилган Республика Жамоатчилик комиссияси фаолиятининг асосини ҳам айнан мана шу мезонлар ташкил этмоқда.

Ўз таркибига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари қамраб олган мазкур Жамоатчилик комиссияси фаолиятининг наватбдаги манзили пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги маҳаллалар бўлди.

Жамоатчилик комиссияси вакиллари томонидан Чилонзор туманидаги 51 та маҳалладаги хонадон ва оилалар, кўп қаватли уйларида яшаётган фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий шароитлари, маҳаллаларнинг ҳолати ўрганилди. Учрашув ва суҳбатлар давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш, спорт ва болалар майдончаларини куриш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий, йўл-транспорт соҳаларида кўтарилган муаммоларнинг аксарияти ўша ернинг ўзида тезкорлик билан ҳал этиб берилди.

Хусусан, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган Республика Жамоатчилик комиссияси кўмағида Чилонзор туманида амалга оширилган ишлар натижасида Муҳимий кўчасида жойлашган Тошкент педагогика коллежи олдидаги иссиқ сув узатиб бериш тизимидаги авария ҳолати бартараф этилди;

Шарқ тоғи кўчасида жойлашган 337-сонли Трансформатор пунктида мавжуд камчиллар бартараф этилиб, аҳолига электр қуввати етказиб бериш сифати яхшиланди;

Чилонзор туманининг 19-мавзесидаги 40-, 28- ва 55-уйлар яқинидаги чиқинди ташлаш шохобчалари тартибга келтирилиб, ноҳус ҳолатлар бартараф этилди;

Туманининг 5-мавзесида жойлашган 12-, 42-б ҳамда 6-уйлар олдидаги, шунингдек, 6-мавзедаги 17-а уй олдидаги газ тақсимлаш пунктларида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, аҳолига етказиб берилаётган газ босими меъёрга келтирилди;

Чорбоғ 2-тор кўчасидаги катта ҳажмли эскириб кетган ичимлик суви етказиб бериш тармоғи капитал таъмирдан чиқарилди;

Туманининг 2-мавзесидаги 40-кўп қаватли уй ва 225-мактабгача таълим муассасаси яқинидаги иссиқлик тармоқлари изоляция қилинди;

Заркент кўчасидаги 658-сонли Трансформатор пунктида мавжуд муаммолар бартараф этилиб, электр таъминоти яхшиланди;

Чўпонота кўчасида жойлашган 4-, 5- ва 6-уйлар оралиғидаги эскирган сув тармоқлари капитал таъмирланди;

Туман маҳаллаларидаги эскирган трансформатор пунктлари ҳамда ҳаво линиялари мукамал таъмирланиб, аҳолига электр қуввати етказиб бериш сифати оширилди;

"Дўмбиробод" маҳалласидаги эскирган симёғоч электр устунлари олиб ташланиб, замонавий бетон устунли энерготехмажор ёриткичлар ўрнатилди;

"Хонтўпи" маҳалласининг "Дийдор" кўчасида асфальтлаш ишлари амалга оширилди;

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Жамоатчилик комиссияси кўпдан бери саломатлигини тиклашга муҳтож бўлган инсонларга мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш учун моддий ва маъ-

навий кўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилиб, маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ноғиронлиги бўлган ҳамда оғир касалликка чалинган тиббий ёрдамга муҳтож инсонлар моддий ва маънавий кўллаб-қувватланди ҳамда кўплаб муаммоларини зудлик билан бартараф этишга кўмаклашилди.

Ана шундай инсонлардан бири Дўмбиробод 5-тор кўчасида истиқомат қилувчи Матлуба ая Эргашевадир. Ая буғунги каби доруломон кунларни неча йиллаб кутганини тўлқинлиб гапираркан, кўзларига ёш келди.

— Хизмат вазифаси тақозоси билан хизмат сафаридан ноғирон бўлиб қайтган набирам учун уй олиш мақсадида 10 йилдан ортқ эшикма-эшик сарсон бўлдим, — дейди онахон. — Буғун Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан оддий одамларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўрсатилаётган эътибор натижасида набирам ҳам оиласи билан ўз уй-жойига эга бўлганидан бахтиёр. Жамоатчилик комиссияси кўмағида кўрсатилган ёрдамдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Бунинг учун Президентимизга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Чилонзор туманининг 10-мавзесида истиқомат қилувчи Қудратой Мухаммадиева ҳам Республика Жа-

буслари билан мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ислохотлар натижасида халқимиз турмуш даражаси ортиб бораётгани, одамларнинг эртага эмас, айнан буғун яхши яшаш йўлида улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида одамларнинг онгу шуури ўзгариб, халқимиз локаллик ва ўзибўларчилик каби иллатларни қаттиқ қоралаётганининг гувоҳи бўлдик. Одамлар "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" деган кайфиятни йўқотиб, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ўзи яшаб турган ҳудуд, маҳалла ва хонадонлар ободлигига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан яшаётгани буғунги ўзгариш ва ислохотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Дарҳақиқат, буғун давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳар бир соҳа ва жаҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида ҳудуд ва маҳаллалар обод бўлиб, халқимиз эҳтиёжлари қондирилмоқда. Жамоатчилик комиссияси томонидан Чилонзор туманидаги маҳаллалар аҳолиси билан ўтказилган учрашувларда жойларда аниқланган камчилларнинг шаҳар ва туман ҳокимлиги, мутасадди идора, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан тезкор таҳлил этилиши ҳамда уларни бартараф қилиш чора-тадбирларининг қўрилиши натижасида сеқорида қайд этиб ўтилганидек, буғун туман аҳолисининг кўплаб соҳалардаги муаммоларининг жойида ҳал этилишига эришилди.

Чилонзор туманининг "2-Қатортол", "Ботирма", "Бўрижар", Гавҳар, "Дўмбиробод", "Зарқўрғон", "Катта Дўмбиробод", "Кичик Хирмонтепа", "Мевазор", "Меҳржон", "Нақшошлик", "Фидокор", "Яккабоб", "Яккатут" маҳаллалари аҳолиси билан ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Республика Жамоатчилик комиссияси раҳбари Қудратой Рафиков Президентимиз ташаббуслари билан юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини, халқимиз буғунги кунидан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, уларнинг натижаси, галдаги долзарб вазифалар хусусида алоҳида тўхтади. Олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида давлат ва жамоат ташкилотларининг халққа яқинлашганини, эҳтиёжманд оилаларга катта кўлама моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани,

уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, одамларни рози қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланганини таъкидлади. Шундан сўнг Жамоатчилик комиссияси томонидан фуқароларни ўйлантираётган масалалар бирма-бир эшитилди. Учрашув давомида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва коммунал соҳалардаги эҳтиёж ҳамда тақлифлари таҳлил этилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жамоатчилик комиссияси таркибидagi ишчи гуруҳлари ўрганган маҳаллалардаги қатор муаммоларни ҳал этиш бўйича мутасадди идоралар иштирокида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда иштирок этган маҳаллалар аҳолиси бу каби очик мулоқотлар ҳамда ўз маҳаллаларига тегишли масалаларнинг манзилли ечим топаётганидан кўнглилари тўлгани, буларнинг барчаси Президентимизнинг халқни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси эканлигини алоҳида таъкидладилар. Аҳоли вакиллари бу борада амалга оширилаётган ишларга ҳар бир инсон ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарурлиги, энг аввало оилада фарзандлар тарбиясига, озодалик ва саришталikka риоя қилиш, локаллик кайфиятига йўл қўймаслик зарур эканлигини алоҳида таъкидладилар. Улар Юртбошимиз томонидан оддий одамларга кўрсатилаётган катта эътибор натижасида маҳаллаларимизда азалий маънавий қадриятларимиз қайта тикланганидан беҳад хурсанд эканликларини билдирдилар. Президентимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида туну кун меҳнат қилаётганларини қўриб ҳар бир инсонда юрт тинчлиги, осойишталиги, ривожига бор куч-ғайратини сафарбар қилиш, бу ишларга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи ортиб бораётганини, Ватан равнақи йўлидаги эзгу мақсад учун бирлашиш бош вазифага айланганини эътироф эттишти.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

**Худудларни ривожлантириш – фаровонлик омили**

**ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

моатчилик комиссияси билан бўлган учрашувда 2-гуруҳ ноғиронлиги бўлган қизи Сетора Мухаммадиеванинг даволаниши учун амалий ёрдам сўраб мурожаат қилганди. Республика Жамоатчилик комиссияси ушбу оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини инobatга олган ҳолда Сетора Мухаммадиева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бепул дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Фуқаро Маждид Мухаммадраҳимов оиласи ҳам эҳтиёжманд оилалардан бири ҳисобланиб, боз устига ўзи ва турмуш ўртоғи саломатлигини тиклаш учун моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлиб қолганини сабабли амалий ёрдам сўраб Жамоатчилик комиссиясига мурожаат қилган эди. Жамоатчилик комиссияси ушбу оиланинг ижтимоий аҳоли билан танишгач, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Ботаника" санаторийида дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун 2 дона бепул йўлланма топширилди.

Республика Жамоатчилик комиссиясининг туман маҳаллалари аҳолиси билан ўтказган учрашув ва суҳбатлари давомида туманинг 6-мавзесида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оила соҳибни Абсалом Нормўминов ҳам буғунги кунда саломатлиги ёмонлашгани боис моддий жиҳатдан қийин аҳволда эканлиги маълум бўлди. Саломатлигини тиклашга муҳтож бўлган ушбу инсон ҳам Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан моддий ва маънавий кўллаб-қувватланиб, "Октош" санаторийига бепул йўлланма билан таъминланди.

Жамоатчилик комиссияси туман аҳолисининг нафақат ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларини бартараф этиш масаласида, балки, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, буғунги ўзгаришларга мос равишда уларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, оилалардаги маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширди. Аҳоли билан мулоқотлар давомида Президентимиз ташаб-

**БОЛАЛАРНИНГ БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ТУҲФАСИ**

**В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи мамлакатимиздаги мусиқа санъатида меҳри балинд ёшларни камолга етказувчи билим масканларидан саналади.**

"Болалар – болаларга" номли хайрия акцияси ушбу билим даргоҳи томонидан кўп йиллардан буён самарали амалга оширилаётган лойиҳалардан биридир. Ўзбекистон давлат консерваториясида халқимиз тилида "Успенка" деб ном олган ушбу билим даргоҳи ташкил этилганнинг 80 йиллигига бағишлаб "Болалар – болаларга" номли катта хайрия концерти бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш ташаббусдан бири ёш авлоднинг мусиқага бўлган меҳрини янада кучайтириш, уларнинг мусиқий диди ва тарбиясини тўғри шакллантириш, истеъодлар сафини янада кенгайтириш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, педагогларнинг меҳнатини эъзозлаш, турли йилдаги лойиҳаларни мунтазам ташкил этишда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи мазкур йўналишда фаол иш олиб бораётган ўқув даргоҳи саналади. Бу ерда меҳнат қилаётган мохир педагоглар юртимиз ўғил-қизларининг нечоғли истеъодли, билимга чанқок, юксак ижодий салоҳиятли эканлиги жаҳонга намойиш этмоқда. Утган йиллар мобайнида ушбу ўқув масканида таҳсил олган ёшлар АКШ, Италия, Франция, Германия, Испания, Япония, Польша, Болгария, Россия ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда ўтказилган халқаро танловларда юксак эътироф этилиши билан бирга, совринли ўринларга сазовор бўлган.

Еш мусиқасеварлар эътиборига ҳавола этилган "Болалар – болаларга" ижтимоий лойиҳаси мунтазам ва юксак савияда ташкил этилиб, ушбу хайрия концертидан тушган маблағлар Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текириш институтига – оқ қон хасталиги аломатлари сезилган болаларни даволаш учун дори-дармон харидига йўналтириб келинмоқда. Эътиборга молик жиҳати, "Успенка"нинг ўқувчилар мусиқий жамоаси Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг ўғил-қизлари учун ҳам доимий мусиқий дастур тақдим этиб келади.

Концертда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таҳсил олаётган ўқувчилар, уни битириб кетган собиқ ўқувчилар иштирокида юртимиз ва жаҳон композиторларининг энг сара асарларидан намуналар янгради.

**Н.УСМОНОВА, ЎЗА МУХБОРИ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Давлат хизматлари маркази томонидан 23.09.2004 йилда № 0000209 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SUNNATJON DUST" ЖК (СТИР 205227546) таъсисчининг 15.04.2019 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Давълор эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Темир йўл кўчаси, 123-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99893 433-10-49.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лабиҳовуз кўчаси, 16-уйда жойлашган АТ "Халқ банк"и Чилонзор филиали (СТИР 200795295) 24/7 электрон кўча офисларни куриб бериш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9а-уй. Ишларни бажариш қиймати фойз ҳисобидан ва аниқ мuddатлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва ташкилот мўҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 2019 йил 27 апрелгача қабул қилинади.

Акциядорлик тижорат "Халқ банки" Сергели филиали томонидан "24/7 электрон офис"ларини куриш ва монтаж ишларини амалга ошириш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Унда курилиш бўйича фаолият юритувчи барча фирмалар иштирок этиши мумкин. Танлов тақлифлари 2019 йил 27 апрель соат 15:00 гача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй.

"ATLIM ELEKTRIKA" МЧЖ (ИНН 305145321) устави бир иштирокчининг улуши камайиши муносабати билан 1 212 766 500 сўмдан 1 153 606 910 сўмга қисқаришини маълум қилади. Маълумот учун: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 426Б-уйга мурожаат қилинг.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан жисмоний шахс Шамсиева Лола Рустамовна номига Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 60-уйда жойлашган "Қаҳвахона" учун берилган (кадастр рақами 10:09:01:01:02:0227), (реестр рақами № 9-168/2012) кадастр ҳужжатлари ва 2012 йил 7 майда берилган О'У № 445111-сонли ер участкасига берилган), (ТА № 1467453-сонли биноиншоот учун берилган) гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, Ц-5 мавзеси, 79-уй, 35-хонадон учун Каюмов Хайитали Менгтурович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, Исломобод 1-тор кўчаси, 1А-уй учун Нигматов Хусан Джураевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент кимё технологиялари институти томонидан 2008 йилда Расулова Феруза Меҳридинона номига берилган В № 349102 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**КИТОБХОНЛИК МАШВАРАТИ**

**Китоб – улкан ҳазина, ўқиганингиз сари, яна ва яна ўқиганингиз келаверади. Унда шундай бир сеҳрли куч борки, сизни ўзига сеҳрлаб олади. Айниқса, ёшлиқда ўқиганингиз бир умрга "тошга битилган битик"дек сақланиб қолади.**

Ўқиб, ўрганганларингиздан тасаввурингиз уфқлари кенгайди, бойийди, ўзингизни янада чуқурроқ англай бошлайсиз. Одатий байрамлар қаторига китобхонлик байрамларини қўшилиши кўнгилни яйратади. "Нуроний" жамғармаси Республика Бошқаруви ҳузурдаги 22 йилдан бери жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган "Фаол фахрий аёллар гуруҳи" томонидан "Фафур Фулом" уй музейида китобхонликка бағишланган "Ҳаётимда китобнинг ўрни" мавзусида ёшлар билан тадбир ташкил этилди. Тадбирни гуруҳ раҳбари Хосият Ёқубжонова очиб берди. Сўзга чиққан олимпиадалардан Муборак Тешабоева, Муқаррам Муҳидинова, Дилбар Отабоева, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, суҳандон Галина Мельниковааларнинг болалик чоғларида ўқиган китоблари, ундан олган таассуротлари, китобларнинг ҳаётида ўз йўлларини ҳамда касб танлашдаги муҳим ўрни, ҳали-ҳануз китоб билан ошноликлари ҳақида тўлқинланиб айтган гаплари ёшларга катта сабоқ бўлди.

жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ёшлигимдан китоблар орасида ўсганим, оиламизда бўлаётган адабий учрашувлар, дадамнинг меҳмондўстликлари, уларни қариндош-уруғ, шоғирдларига муносабатлари таъсирида гўёки эртақлар оламида яшагандек ҳис қилардим ўзимни, – дейди адибнинг қизи Олмас Аҳмедова. – Айнан шу муҳит мени ҳам ижодкор бўлишимга сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Дадамнинг сўнги кунлари 1966 йилдаги зилзила вақтига тўғри келган. Табиатан кўйди-пишди бўлган отам кўшни Республикага меҳмонга тақлиф қилишганида ҳам 1-2 кун туриб, тезда орқага қайтганлар. Соғлиқлари бироз беэтовта қилса-да, яқин қариндошларимиз, таниш-билишлардан хабар олмагунча кўнгиллари тинчимаган. Мен дадам билан, улардан қолган ҳазина китоблари билан фахрланаман.

Тадбир сўнгида суҳандон Галина Мельникованинг адиб ижодидан ўқиб берган шеърлари тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

**Гулчехра КАРИМОВА**

**ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ҚИЛИНДИ**

**Халқаро почта Конвенциясига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган. Ўзбекистон Республикаси "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмалари, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.**

Аммо шунга қарамай, почта жўнатмалари орқали қонунга хилоф равишда таркибиди психотроп моддаси мавжуд бўлган дори воситаларини жўнатиш ҳолатлари учраб турибди. Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бош почтамт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари шу турдаги қонунбузарликларни фош қилишди. Жумладан, фуқаро Ю. номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона назоратидан ўтказилганда божхона декларациясида кўрсатилмаган 4 турдаги 370 дона психотроп дори

воситалари ҳамда 2 турдаги 108 дона дори воситалари борлиги аниқланди. Шунингдек, хориждан олти фуқаро номига юборилган почта жўнатмаларида ҳам 160 дона "Бротизолам ТЕВА", 150 дона "Алпрозолам", 96 дона "Рокацет плюс", 39 дона "Лориван" номли таркибиди психотроп моддаси бўлган дори воситалари борлиги маълум бўлди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича божхона текирирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. **Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

Футбол янгиликлари

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИГА АТАЛГАН ТУР

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат биринчилигининг 3-тур беллашувлари пойтахт клубларига омад келтирди.

Дастлабки турда Шота Арвеладзе бош мураббийлигидаги "Пахтакор" дан мағлубиятга учраган амалдаги чемпион "Локомотив" Тошкентда "Анджон" жамоаси билан куч синашди. Унда азалий рақиблар "Пахтакор" ва "Насф" ўзаро беллашди.

Бошқа бир жамоаси "Бунёдкор" бу сафар Наманганда "Навбахор" меҳмони бўлди. Асосан ёш, умидли футболчилардан таркиб топган "Бунёдкор" ўзидан тажрибали ҳисобланган "Навбахор"га муносиб қаршилик кўрсатди. Шиддатли, ҳис-ҳаяжонга бой ўтган ўйин якунида тошкентлик футболчилар 3:2 ҳисобида муҳим ғалабага эришиб, Тошкентга уч очко билан қайтишди.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Динамо" - "Металлург" - 2:1, АГМК - "Қўқон - 1912" - 7:1, "Бухоро" - "Қизилқум" - 1:1, "Сўғдиёна" - "Сурхон" - 0:3.

Ушбу турнинг марказий ўйини "Пахтакор" марказий стадионида кечди. Унда азалий рақиблар "Пахтакор" ва "Насф" ўзаро беллашди. Мурасасиз, қизиқарли ва шиддатли курашлар остида кечган баҳс Шота Арвеладзе шогирдларининг 2:1 ҳисобидagi ғалабаси билан тугади. Голларни "Пахтакор"дан - Марат Бикмаев (пенальти), Егорь Кримец ҳамда Владимир Козак (автогол) дарвозага йўлашди.

Ўтган дастлабки турларда ҳужумкор ўйин намойиш этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлган пойтахтнинг жадвалида 9 очко жамғарган "Пахтакор" пешқадамлик қилаётган бўлса, ундан кейинги ўринларни "Сурхон" ва "Локомотив" эгаллаб турибди. Энг қуйи поғонадан ўрин эгаллаган "Қўқон - 1912" жамоаси хали кўллаб ғалабаларни кўлга киритади ва муҳлисларини шод этади деб умид қиламиз. Тўпурлар беллашувида ҳозирча 5 та гол билан АГМК ҳужумчиси Зафар Полвонов етакчилик қилмоқда.



ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР СОВРИНДОР

Футбол бўйича 2009 йилда туғилган болалар жамоалари ўртасида хорижда ташкил этилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган "Пахтакор" тарбияланувчилари Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди.

Гап шундаки, "Дагомис кубоги" номини олган ушбу халқаро турнирнинг гуруҳ босқичи охириги турида Липецкнинг "Металлург-1" жамоасидан 2:0 ҳисобида устун келган пахтакорчилар чорак финалда "Прибой" жамоаси билан куч синашди. Мурасасиз кечган ўйинда Сарвар Отабоев шогирдлари рақибларини пенальтилар сериясида мағлуб этишди - 1:0. Ярим финалда эса Липецкнинг "Металлург-2" жамоаси пахтакорчилар томони-

дан 4:1 ҳисобида доғда қолдирилди. Бош соврин учун "Металлург-1" жамоаси билан кураш олиб борган тошкентлик футболчилар бу сафар 0:2 ҳисобида мағлубият аламини тотиб кўришди ва якунда халқаро турнирнинг кумуш медалларини кўлга киритишди. Бу каби халқаро турнирлар ёш футболчиларимизга тажриба мактаби вазифасини ўташи аниқ. Акбар Йўлдошев

ЙЎЛ ҚОИДАСИ - УМР ФОЙДАСИ

Мамлакатимизда автотранспорт воситалар кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисаларининг пийдалар иштирокида содир этилаётгани ачинарли. Бунинг натижасида турли кўнгилсизликлар юз бермоқда. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод УСТК" унитар корхонаси томонидан Миробод туманидаги мактабга таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежларида "Йўл ҳаракати қоидалари" ҳаракатланиш маданияти, шунингдек, қонунбузарлик ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган "Йўл ҳаракати билимдонли", "Энг намунавий пийда" шиори остида "Йўл ҳаракати иштирокчиларининг вазифалари", "Йўл белгилари", "Йўл чизиклари-

нинг аҳамияти" каби мавзуларда ташкил этилди. Тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод УСТК" УКСИ маънавияти, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва оммавий ташкилий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Д.Олимжонов, ўқув қисм-мудир О.Эшматов, ўқитувчилар Ш.Такташев, Ш.Носиров, Ш.Турсуналиевлар томонидан йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машғулот ва суҳбатлар кўргазмалари воситалар орқали ўтказилди.

Бундан ташқари, вояга етмаган ёшларни бўш вақтларини беҳуда сарфламасликлари учун спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб қилиш, ёшларнинг қалбида она Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат ҳиссини, ўйғотишни, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга ватанпарварлар бўлиб етишишини таъминлаш мақсад қилиб олинди. Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилоти ҳақида маълумот берилиб, видеоролик намойиш этилди. Зейна РАСУЛОВА

ҚИЛМИШ - ҚИДИРМИШ

Ёшлик завқи, шиддати жўшқин дарёга қиёсланади. Асов дарё пўртаналар ҳосил қилганча, йўлида учрайдиган ҳар қандай говни суриб кетишга қодир бўлганидек, ёшликдаги куч-ғайрат ҳам не-не ишларни бажаришга ундайди, кишини.

Суд залида ҳозир бўлганларнинг айримлари панжара ортида ўтирган 20 ёшдаги йигитларга ачиниш билан термулса, бошқаларнинг нигоҳида нафрат учкунлари чакнайдилар. Биринчи тарафдагилар уларнинг ёш умри хазон бўлаётганига ачинаса, бошқалар эса шу ёшда бир эмас, бир нечта жиноятга қўл урган учун уларга ғазаб билан қарашди.

долари пишган, келишилганидек, Содиқ олди ўриндиққа ўтиради. Йўлда ҳайдовчининг телефонини 3-4 марта фойдаланиб, кимлар биландир гаплашгандай бўлди. Манзилга етишган, дастлаб орқа ўриндиқдагилар тушиб, кўздан узоклашди. Содиқ эса ҳайдовчининг телефонини олиб қочиб кетади. Табиийки, ҳайдовчи ўрнининг орқасидан кувади. Бироқ ета олмайди. Эртаси куни улар яна учрашиб, телефонни 520.000 сўмга пуллашади. 5 ноябрь куни эса "Кобальт" русумли автомашина ҳайдовчисининг телефонини ҳам очикдан очик талон-тарож қилиш мақсадида олиб қочишади. Телефонни 300.000 сўмга сотишади. Уларнинг қилмишлари шу билан тугамайди. Ўша куни Х.Алимов кеч 22:00ларда автомашинасига газ қуйдириб олиш мақсадида рулни шохобчага бұради. Қутиш учун мўлжалланган жойда турганида "Ласетти" русумли автомашинадан маст ҳолатда йигитлар тушади. Улардан бири, яъни Содиқ бегона одамдан сигарет сўради.

Афсуски, энди вақтни орта қайтаришининг иложи йўқ. Содиқ Ярашов ҳамда Ботир Саидов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 17-20 ёшда жиноятга қўл урган эди. Бироқ улар хулоса чиқармади. Ёшликнинг куч-ғайратидан унумли фойдаланишни ўзларига эп кўрмади. Нопок қилмишларига Ориф Қаюмовни ҳам шерик қилишди.

Сигаретим йўқ... Х.Алимовнинг жавоби шундай бўлди. - Э, сени... - дея ҳақорат қилди Содиқ. Кейин унинг юзига тўсатдан мушти билан уради. Содиқнинг зарбидан Х.Алимов йиқилиб тушади. У тепа бошлади. Нарироқда турган шериклари ҳам уриб, тепкилашади. Хуллас, зўрғанлар Х.Алимовни уриб ариққа туширади.

Ўтган йилнинг 1 ноябрь куни Содиқ ва Ботир ўртоқлари билан Чилонзордаги кафеда ярим тунгача кўнгилхушлик қилди. Улар кафедан чиқиб, автомашина ҳайдовчисидан Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчасида жойлашган уйга элтиб қўйишни сўради. Манзилга етишган, олди ўриндиқда ўтирган Содиқ ҳайдовчига қараб, дўстлари ҳозир уйдан пул олиб чиқишини айтади.

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда айбига иқорорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ҳамда ёшлигини инобатга олди. Ёшликнинг айна гуллаган даврда мақсадсиз ҳаёт кечирishi уларни боши берк кўчага олиб кирди. Афсус...

Ака, телефонингиздан уйга кўнғироқ қилсам майлими, - деб сўради Содиқ пайт пойлаб.

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда айбига иқорорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ҳамда ёшлигини инобатга олди. Ёшликнинг айна гуллаган даврда мақсадсиз ҳаёт кечирishi уларни боши берк кўчага олиб кирди. Афсус...

Содиқнинг шум ниятидан хабарсиз ҳайдовчи уяли телефонини узатади. Шу пайтада Содиқ мушти билан ҳайдовчининг кўзига уради. Телефонни кўлга киритган Содиқ эса кўп қаватли уйлар орасида гойиб бўлади. Эртаси куни муштмўзўрлар учрашиб, уяли телефонни 120.000 сўмга сотишади. Чилонзордаги кафега кириб, ярим тунгача ароқ ичишади. Кўчага чиқиб, машина тўхташади.

Аброр САИДОВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг раиси

Қатралар

ОПА-СИНГИЛЛАР

Беш нафар опа-сингиллар ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли эди. Дарвоқе, улар аслида олти нафар эди. Ана ўша - олтинчиси - Мунира сал бошқачароқ чиқди. Ҳамма ота ҳовлига тўлганганда фақат у келмас эди. Эридан рухсат ололмагани билан сингиллар ундан ортиқча хафа бўлишмасди.

Дарҳақиқат, Муниранинг эри қишлоқда отнинг қашқаси эди. Ҳамма уни Ашурмат жинни деб атади. Заҳил юзидан заҳар томиб турарди. Одамга шунақа жин қараганда ҳам худди хезланиб турганга ўхшарди. Унинг зуғумидан қўшчилар додичи кимга айтишни билмасди. Қўшчининг товуғи адашиб ҳовлисига кириб қолса ё оёғи синиб чиқар ёки умуман қайтиб чиқмас эди. Сув тақил бўлган саратонда қўшчилар ўзаро келишиб, навбат билан экинчи сўраса, Ашурмат истаган вақтда суви ўзига қўриб олаверар, ҳеч ким жинни билан гапчилашгани истамас эди. Бойиш Муниранинг пешонаси шўр экан, ана шундай баттол кимсага хотин бўлди. Эрининг қиш-қовоғига қараб, йўриғига юриши одат қилди. Одат бора-бора характерга айланди. Дийдаси қотди. Хуллас, бутунлай бошқа одамга айланиб қолди. Эри ўлгандан кейин ҳам ўзармади. Уни қайта йўлга солишга қўл урмади, фойдаси бўлмади.

Опа-сингиллар йилгилишганда армон билан нола қилишарди: "Эх, афсус! Агар Мунира бошқа одамга турмушга чиқарганда ўзимиз катори бўларди. Афсус..."

ГУРУР

Мажлис узок давом этди. Бошлиқ навбат билан ҳаммани ўрнидан тургазиб, исканжага олар, ҳар турли саволлар берар, жавоблардан мутлақо қониқмас, балки шу боисдан бўлса керак, оғзидан бодиб кириб, шоди чиқар, аямай сўкиб, ҳақорат қилар, бирон кимса чурқ этиб оғиз очмас эди. Қизиғи шундаки, обдон сўкиш эшитиб қайта жойига ўтирганлар негандир худди қилқўриқдан ўтиб олгандек енгил тортишарди.

Игитали игна устида ўтиргандек безовталарди. Кўп ўтмай бошлиқ унияям тургазади. Кейин... сўқади. Иш бор жойда камчилик бор, аммо бунинг учун кўпчиликнинг ичда сўкиб, мулзам қилиш шартми? Наҳотки йигирма биринчи асрда иш юритишнинг бошқачароқ, маданиятнинг йўли топилмаган бўлса?

Нихоят, бошлиқ унинг фамилиясини тилга олди. Мана энди ёзилмаган қоидага биноан, номи айтилганда худди ўқувчи боладек ўрнидан туриши, жамми тана-ю дашномлар, ҳақоратларни ким этмай чидам билан эшитиши керак. Уридан оғир кўзгаларкан, хаёлига "Ҳақорат аниқлигини шартмикин?" деган фикр урилди. Ногоҳ дадилланиб, энди қўлини паҳса қилаётган бошлиқнинг галгини тап тортмай бўлди:

- Сизни оғохлантириб қўйя - мабодо сўқадиган бўлсангиз, мен ҳам жавоб қайтараман! Сўқаман!

Бошлиқ худди қанотли туя кўргандек бир лаҳза қаловланиб қолди. Сўнг арағ ўзини қўлга олиб, гап қотди:

- Ие, ие, сен... галати бола экансан-ку. Майли, ўтир, ўтир. Сен билан... кейин... бошқа вақтда гаплашаман!

Игитали енгил тортиб жойига чўқди.

ҚАРЗ

У бировдан катта миқдорда қарз олмақчи эди, аммо "биров" пулини ўз вақтида қайтарилишига ишонмагани учун тайсаллаб, пулни бергиси келмай турди. Шунда қарз олмақчи бўлган одам "биров"нинг яқин дўстини қабилиққа ўтишини сўради. Дўст рози бўлиб, қабилиққа ўтган, қарз берилди. Орадан роппа-роса икки ой ўтган, иттифоқ қарз олган киши бандчилик қилди. Гарчи майитга жаноза ўқилаётганда марҳумнинг ўғиллари отасининг қарзи бўлса узишга рози эканлигини тани олишса-да, кейинчалик пул берган киши қарзини сўраб келганда қарздан тинишди. Шунда у киши ноилоҳ қарз олган бировдан дўстга қозланди. Дўст ўғилларни яна бир қарра инсофга ундаб кўрди. Натига чиқмаган, қарзини ўзи ойма-ой уза бошлади ва бир йил мобайнида батамом елкасиданги юкдан халос бўлди.

ҚЎШНИЛАР

Бу воқеа болалигимда бўлган. Ўшанда тўртинчи ёки бешинчи синфда ўқир, катталар дунёсининг гаройиботларидан эндигина бохабар бўлаётган эдим.

Ҳукуматнинг махсус қарорига кўра қишлоғимиздаги уйлар янги режа асосида қайтадан қурила бошланди. Ён қўшнимиз Баширалининг мевали боғи туғишган акаси Норбой акага ўтадиган бўлди. Бир умр боғдонлик қилиб келган отам буни эшитиб шундай деди:

- Яхши бўлди, қўшнидан тўқилса кўнжига. Битта мевали боғ камидла тўрт-беш йилда бию бўлади. Норбой ака яримкун одам ўзи, Аллоҳга айтгани бор экан, омади кепти.

Бир куни девор ортидан кичи кишининг баланд овозда шангиллашаётганини эшитиб қолдим. Секин мўралаб қарасам Баширали Норбой акага ўшқиряпти. Қизик, ака-укалар ҳам шунақа гаплашишадими, дея ҳайрон бўлдим. Баширали қўлини паҳса қилиб акасига шангиллар, акаси эса мик этмай ёрга тикилиб турар эди. Бир маҳал Баширали қўлига болтасини олди. Ногоҳ қўрқиб кетдим: "Наҳотки акасини... човворса?!"


- Шу боғни йўқ қилсам қулуламанми? - деди у ва гуллаб-яшнаб турган мевали дарахтларни қайтариб кеса бошлади. Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди. Бейхитёр "Вой!" деб юбордим.

Баширалининг болтаси ўткир экан, бир зумда яшил ва яхши боғни гумдон қилди. Роса аччидим. Қўзимдан ёш чиқиб кетди.

Отам бу кўнгилсизлиқни эшитиб кўп хафа бўлди. Менинг мунгайиб турганимни кўриб, "Баширали боғи кўкармайди, болам, мана кўрасан", деди.

Миршорқор боғдон бўлган отам Норбой акани юпатиб, далда берди. Унинг янги боғига ўзи қўнатлар экиб берди, пайванд ҳам қилди. Орадан бир неча йил ўтган, янги қўшнимизнинг янги боғи шигил мевага кирди. Баширалининг боғига қандайдир касаллик тегдими, қуриб қолди. Мен бунга ажабланмадим. Чунки баҳилнинг боғи кўкармаслигини билиб олгандим.

Шодмон ОТАБЕК



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Пала-партиш кишининг ишида барака бўлмайди.

Ҳар нарса ўз ўрнида иш беради.

Кўнгил учун қилинган таклифни қабул этма.

Ҳаёт қутилмаган муаммо ва ечимлари билан кишини танг қолдиради.

Имкон борида фойдаланиш, йўғида сабр этиш керак.

Ҳеч нарса инсонни руҳий азоблардай қаттиқ толиқтирмайди.

Янгилик ҳамиша жалб қилувчи бўлади.

Тенг тенги билан топишади.

Бировдан кам жойим йўқ дейишнинг ўзи ақлнинг камлигидан далолат беради.

Ким учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган муаммо ким учун оддий иш.

Рашк, шубҳа ҳамма нарсани ошириб кўрсатади.

Бир фикр иккинчисига туртки беради.

Тажрибасизлик инсонга ҳар қадамда панд беради.

Ўғрилиқни яширган ўғрилиқка шерик ҳисобланади.

Одам ўзини гўзал кўрсатишни ҳам билиши керак.

Эҳтирослар туманида ҳақиқат кўринмайди.

Бировнинг молини ўғирлаб, бой бўлиш мумкин, лекин бахтини ўғирлаб бахтли бўлолмайди.

Кимни кўзи фаш этади, кимни сўзи.

Умрнинг ҳар бир палласи бир ибрат мактабидир.

Advertisement for 'Ўзгидромет' (Ozgidromet) with contact information and a list of services including weather forecasts and hydrological data.